

Областимиз пиллачиларининг катта ғалабаси

• Область пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда камида 140 тонна пилла сотиш, ҳаммаси бўлиб она-Ватанга 1020 тонна пилла етказиб бериш ва шу йўл билан бу йил ҳосилдорлик жиҳатидан 1961 йил учун белгиланган даражага етиб олишга аҳд қилдилар.

Пилла тайёрлаш йиллик плани бажарилди

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашиб, пилла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари 100,7 процент бажардилар. Шу йил 2 июнгача давлатга 886,8 тонна пилла сотилди. Бу — ўтган йил шу вақтгача тайёрланганидан 225,6 тонна кўпдир. Ҳар қуту қурт уруғидан 52,6 килограммдан — планда белгиланганидан 5,6 килограмм кўп пилла олинди. Бу йил баҳорги қурт боқишдан ўтган йилга нисбатан қуту бошига 16 килограммдан ёки 43,7 процент кўп пилла олинди.

Областадаги 12 район, 12 совхоз ва 129 колхоз давлатга пилла сотиш планини бажарди. Мирзачўл, Верхне-Волжск, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ районлари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Мирзачўл райони ҳар қуту қурт уруғидан 60 килограммдан ҳосил олиб, пилла тайёрлаш планини 145,5 процент, Верхне-Волжск райони 61,7 килограммдан ҳосил олиб, пилла тайёрлаш планини 140 процент бажарди. Ҳар қуту қурт уруғидан 64 килограммдан ҳосил олган Ўрта Чирчиқ райони пилла тайёрлаш планини 137,5 процент, ҳар қуту қурт уруғидан 60,4 килограммдан ҳосил олган Қуйи Чирчиқ райони пилла тайёрлаш планини 134 процент бажаришга муваффақ бўлди.

Қуйидаги колхозлар пилла ҳосилдорлигини оширишга юқори кўрсаткичларга эришдилар: Калинин районидаги генерал Рахимов номи колхоз (район ўртоқ Махмуров, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Орипов) пилла тайёрлаш планини 176 процент, Верхне-Волжск районидаги «Победа» колхоз (район ўртоқ Саидов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ҳасанов) пилла тайёрлаш планини 172 процент, шу райондаги Максим Горький номи колхоз (район ўртоқ Раҳимов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Мирзаев) пилла тайёрлаш планини 165,3 процент Ўлтинийўл райондаги Энгельс номи колхоз (район ўртоқ Шублаев, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ҳасанов) пилла тайёрлаш планини 147 процент, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XX съезди» колхоз (район ўртоқ Одилов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Исахон) пилла тайёрлаш планини 147 процент, Энгельс номи колхоз (район ўртоқ Кусоев, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Сиддиқов) пилла тайёрлаш планини 152 процент бажарди.

«Мирзачўл» совхоз пилла тайёрлаш планини 309 процент, «Дружба» совхоз пилла тайёрлаш планини 344 процент, «Забекстон ССР беш йиллиги» совхоз пилла тайёрлаш планини 209 процент, 3-«Бобут» совхоз пилла тайёрлаш планини 193 процент, 1-«Бобут» совхоз пилла тайёрлаш планини 184,5 процент бажариб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ўқина бригада ва зvenoлар ҳар қуту қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб ҳосил олиб, социалистик мажбуриятларини муваффақиятлар билан бажарди. Калинин районидаги Сталин номи колхозининг Ўртоқ Ҳанифа Зиетова бошлиқ звеноси ҳар қуту қурт уруғидан 132 килограммдан, Охунбобоев номи колхозининг Ўртоқ Лола Ешимбоева бошлиқ звеноси 118 килограммдан, Киров номи колхозининг Ўртоқ Ким Елена бошлиқ звеноси 125 килограммдан, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номи колхозининг Ўртоқ Ҳайри Рустамова бошлиқ звеноси 125 килограммдан, Ўртоқ Зухра Маюсупова бошлиқ звеноси 125 килограммдан, Қуйишев номи колхозининг Жаннат Каримбоева бошлиқ звеноси 123 килограммдан, Мирзачўл районидаги Сталин номи колхозининг Шарофет Дабоева бошлиқ звеноси 122 килограммдан, Сурма Ҳамидова бошлиқ звеноси 120 килограммдан, Чиноз районидаги Сталин номи колхозининг Ўртоқ Сарви Расулова бошлиқ звеноси 115,6 килограммдан пилла топширдилар.

Област пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда камида 140 тонна пилла сотиш, ҳаммаси бўлиб она-Ватанга 1020 тонна пилла етказиб бериш ва шу йўл билан ҳосилдорлик жиҳатидан 1961 йил учун белгиланган даражага етишга аҳд қилдилар.

Област колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мухассислари, партия, совет, комсомол, касаб ва соҳа ташкилотлари ўз ишларида эришган дастлабки муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмайдилар, албатта. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш, айниқса пахтачиликни янада ривожлантириш йўлида ҳормай-тоғмай меҳнат қиладилар.

Биз қандай қилиб пилладан мўл ҳосил етиштирдик

Пиллачиларимизнинг меҳнатлари ва ақли аслаганида мўлажадидан ортиқ ҳосил етиштирилганини билиб қувондик. Йил бошида 9 тонна пилла топширмамиз, деб ваъда берган эдик. Топширган пилламиз аса 10 тонна-ю, 760 килограммга етди.

Биз бу ютуққа қандай қилиб эришдик?

Ҳар йили ҳам пилладан олагани ҳосиллигини чакли бўлмади. Лекин бу йили ютуғимиз бошқача бўлди. Ўтган йили 180 қуту қурт уруғи боқиб, ундан олган ҳосилимиз зўрага 9 тоннадан озгина ордан. Нега? Дастлаб шуни айтиш керакки, биз қуртларга ўз вақтида барг етказиб бера олмадик. Кўп барг шаҳардан ташиб келтирилди. Бу, албатта, пилла қуртларининг нормал ривожланишига ҳалақат берди. Иккинчидан ўтган йили биз ҳар қуту қурт уруғига 45 — 50 квадрат метрдан жой ҳозирлаб, хато қилган эканмиз. Кейинчалик қуртлар охириги уйқудан туриб, авжи иштаҳага кирган пайдада бу жойлар торлиқ қилиб қолди, пилла қуртлари эркин ривожлана олмади.

Бу йил ана шундай камчиликларнинг бўлиб бериши учун курашдик: 165 қуту қурт уруғи олиб, ҳар бир қутисига 60 — 70 квадрат метрдан жой ҳозирладик. Шу билан бирга барг танқислигини йўқотиш учун ҳам қатор тадбирларни кўрдик. Мавжуд тузотлардан чопидан чиқарилди, ахшилаб сугорилди. Тут дарахтларининг кесиб юборилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатдик. Натижада тут дарахтлари сербяр бўлиб ўсди. Биз бу барглардан нўхтата тежаб-тергаб фойдаландик. Қуртлар еш пайтида шаҳардан барг келтириб бердик, ав-

жи етилган вақтида аса ўзимизнинг колхозимиздаги баргларни кесиб едирга бошладик. Шу туфайли бу йил тут барглари мўл бўлди, ҳатто ортиб ҳам қолди. Буларнинг ҳаммаси қуртларнинг эрта дастага кириши, мўл пилла ўралини таъминлади. Ҳар қуту қурт уруғидан 65 килограммдан пилла топшириб, планимизни 120 процентга етказиб бажардик.

Комсомол аъзоси Ҳанифа Зиетова бошлиқ пиллачилар звеноси юқори кўрсаткичга эришти. Бу звенода боқилган қуртлар 18 кун дегадла дастага кирди. Ҳар қутисидан 132 килограммдан пилла олинди.

Мирзааҳмад Махмуров, Зеби Усмонова ўртоқлар бошлиқ далачилик бригадаларида ҳам пилладан мўл ҳосил етиштирилди. Баҳри Халилова, Кимё Ризқиева, Раҳима Зокирова ўртоқлар бошлиқ пиллачилик звеноси топширишнинг олтиги билан бажардилар.

Колхозимизда ҳали топширилмаган пилла кўп. Биз қолган пилла ҳосилини ҳам сира нобуд қилмай териб олиб, давлатга топшираимиз.

Тургун МИРЗАЕВ, Калинин районидаги Сталин номи колхоз раиси.

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номи колхозининг моҳир пиллачилари Гулсум Тожматова, Нортжи Исмонлова ўртоқлар. Булар ҳар қуту қурт уруғидан давлатга 150—160 килограммдан пилла топширдилар.

М. Шевелев фотоси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 109 (1371)

5 июнь, жума, 1959 йил.

Баҳоси 20 тийин

Пиллачиликни янада ривожлантириш учун!

Партия XXI съездининг тарихий қарорларидан кейин областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари билан бир қаторда пиллачиликни ривожлантириш учун ҳам астойдил кураш бошладилар. Кейинги ўн йил мобайнида областимизда пилланинг ялпи ҳосилини кўпайтириш юзасидан анча ишлар қилинди. Бироқ шундай бўлишига қарамай, пиллачилар олинган мажбуриятни факат баҳорги пилла қурт боқиш ҳисобигагина бажаришдек катта муваффақиятни бу йил биринчи бўлиб қўлга киритдилар.

Бу йил кўп районлар ҳар бир қуту қурт уруғидан олинган пилла ҳосилини бекиб оширдилар. Калинин, Ўрта Чирчиқ, Верхне-Волжск, Мирзачўл, Қуйи Чирчиқ ва Қорасув районлари шулар жумласидан.

Ўрта Чирчиқ районида пилла қурт боқиш, айниқса, намунали уюштирилди. Натижада район пиллачилари ҳар қуту қурт уруғидан 65 килограммдан пилла ҳосил топшириб, плани 137,5 процент қилиб бажардилар. Шунингдек ҳар қуту қурт уруғидан олинган пилла ҳосили Верхне-Волжск районида 61,7, Мирзачўл районида 60, Қуйи Чирчиқ районида 60,4 килограммдан ташкил қилди.

Айрим колхоз ва совхозларда бу йил ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Калинин районидаги генерал Собир Раҳимов номи колхозда ҳар бир қуту қурт уруғидан салкам 75 килограммдан пилла ҳосил топширилиб, йиллик план 176 процент қилиб бажарилди. Шу колхознинг Ўртоқ Салима Бакубова бошлиқ звеноси аъзолари аса бир қуту қурт уруғидан олинган ҳосилини 120 килограммга етказдилар. Шу райондаги Сталин номи колхозининг Ўртоқ Ҳанифа Зиетова бошлиқ звеносида ун-

дан ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Ҳар қуту қурт уруғидан 132 килограммдан пилла ҳосил териб олинди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номи колхозининг моҳир пиллачиси Ҳайри Рустамова, Мирзачўл районидаги Сталин номи колхозининг звеноси бошлиғи Шарофет Дабоева ва Киров номи совхозининг ишчиси Ким Елена каби ўилаб пиллачилар ҳар бир қуту қурт уруғидан 120 — 130 килограммдан пилла ҳосил топшириб, областининг пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин — 2 июндаёқ 100,7 процент қилиб бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўтган йилларда областимизда пилла қурт боқиш деярли ярим йилга қўзиларди. Шунинг натижасида бу йилга жуда кўп ишчи қуни сарфлар ва пилланинг таннарихи анча қимматга тушарди. Бунинг устига илгари пиллачиларимиз фойдаланиб келган уруғлиқлар бу йилги хитой қўш пилла ҳосил нисбатан унумсизроқ ва сифатсизроқ бўлди.

Бу йил оқ хитой пилла қурт уруғи боқилиб, яхши иш қилинди. Жуда кўп пиллачилар қуртларни намунали боқиб, уларнинг 18 — 19 кунда дастага киришига эришдилар. Бунга Ўлтинийўл районидаги Калинин номи колхозининг звеноси бошлиғи Ўртоқ Латифа Миробоевнинг ишчини мисол қилиб оласан бўлади.

Областимиздаги жуда кўп йирим хўжаликлар олинган социалистик мажбуриятларини бажариб, давлатга қўшимча пилла ҳосил топширмақдалар. Ана шуни ҳисобга олиб, областимиз давлатга яна 140 тонна пилла ҳосили топшириш мажбуриятини оғди. Пилла топшириш пунктларига келатган пилла ҳосилларига қараганда бу мажбурият, албатта, бажарилади, деб бемалол

айтсак бўлади. Областимиз пиллачилари бу йил давлатга ҳаммаси бўлиб камида 1020 тонна пилла ҳосил топшириш ниятида ҳормай-тоғмай меҳнат қилишапти.

Қўлга киритилган бу катта ютуқлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Партия, совет, комсомол, касаб ва соҳа ташкилотлари омма орасида системали равишда сиёсий-тарбия ишларини олиб борилад.

Етти йилликда областимизда пиллачилик яна ҳам ривожлантирилди. Ана шуни ҳисобга олган бир қатор хўжаликлар ҳозирдан бу йилга таътирларлик кўра бошладилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Забекстон» колхозда каттагина пиллачилик комбинати қурилиб ишга туширилди. Бонқа хўжаликлар ҳам бу колхознинг яхши ташаббусидан ибрат олиши керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, пиллачиликни ривожлантиришнинг катта перспективаси очилганлиги муносабати билан областимизда уруғчилик заводи ташкил қилиниши зарур бўлиб қолди. Агар республика қишлоқ хўжалиги министриги ана шу масалани ижобий ҳал қилиб бера, келгусида ҳар бир қуту қурт уруғидан олинган пилла ҳосилини, бу орқали пилланинг ялпи ҳосилини кескин кўпайтиришга жуда катта қадам бўлади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, областимиз пиллачилари пиллачиликни бу йил ҳам узуқсиз ривожлантира борадилар, унинг таннарихини камайтириш соҳасида ибрат ола арийдиган яхши ишлар қиладилар ва бу соҳада етти йилликка мўлжалланган плани муддатидан илгари бажариш учун ҳормай-тоғмай курашадилар.

К. МАҲКАМОВА.

Тошкент область ижроия комитетининг ўринбосари.

Фидокорона меҳнат самараси

Районимиз пиллачилари бу йил давлатга 52 тонна пилла топширишга аҳд қилган эдилар. Колхозчилар, совхоз ишчилари қурт боқишга киришганидан дастлабки қуларданок ушқоқлик билан меҳнат қилдилар. Ҳамма ерда иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилди. Биз пиллачиларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароитни яратиб беришга ҳаракат қилдик.

Қуртхоналар доимо нормал температурада сақлаб турилганлиги, баргдан тежаб-тергаб фойдаланилганлиги туфайли пилладан мўл ҳосил етиштирдик. Бу ҳосилни ушқоқлик билан териб давлатга топширдик. Ҳозиргача давлатга 71,5 тонна пилла топширилди, плани 137,5 процент бажардик.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, бу йил Энгельс номи колхоз (район ўртоқ А. Кўсеев) пиллачилари фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Бу колхозда 160 қуту қурт уруғи боқилиб, унинг ҳар қу-

тисидан 70 килограммдан пилла ҳосили олинди. Бошқача қилиб айтганда бу колхоз пландаги 7500 ўринга давлатга 11.335 килограмм пилла топширди. Колхознинг моҳир пиллачиси, меҳнаткашлар депутатлари район Советининг депутатлари Ўртоқ Қарин опа Исқандарова бошлиқ ипакчилик бригадаси аъзолари эришган ютуқлар янада қувончли бўлди. Бу бригаданинг деярли барча пилласи аъло навага қабул қилинди.

Шу колхознинг аъзоси Зухра Мамаюсупова ҳам топширишнинг 200 процентга етказиб бажарди.

Бундай илгор пиллачиларини ҳар бир хўжаликда учратиш мумкин. Киров номи совхозининг 5-бўлими ишчиси Ким Елена бошлиқ пиллачилик звеноси аъзолари ўз йилдан бери пилла топширишда биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Бу звеноси ўтган йили ҳар қуту қурт уруғидан 87,3 килограмм пилла топшириб, плани 170 процент бажарган эди. Бу йилги ҳосил янада мўл бўлди.

Звеноси аъзолари 6 қуту қурт уруғининг ҳар қутисидан 115 килограммдан пилла топширдилар.

Максим Горький номи, «XX партсъезд», «Ленин йўли», Қуйишев номи, Ленин номи ва бошқа колхозларнинг пиллачилари ҳам бу йил пилладан мўл ҳосил етиштирдилар.

Шундай қилиб биз бу йил тақририй қурт боқиш ҳисобига аса, баҳорги қурт боқиш ҳисобига давлат планини бажаришга муваффақ бўлдик. Бу ютуққа пиллачиларнинг иши учун ҳар тарафлама қўлай иш шароити яратиб берилганлиги, контролнинг кучайтирилганлиги туфайли эришдик.

Районимиз пиллачилари давлатга 7 минг килограмм пилла топшириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар. Улар бу мажбуриятни ҳам албатта бажардилар.

Ш. ИСАМУХАМедов, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари.



Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

Ўрта Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари Исамухамедов, район ижроия комитетининг раиси Бердиев, район комсомол комитетининг секретари Раҳимов, район ипакчилик бўлимининг мудир Власов ўртоқлар). Бу район давлатга пилла топшириш планини 135,8 процент бажарган.

Калинин райони (район партия комитетининг секретари Мажинов, район ижроия комитетининг раиси Носиров, район комсомол комитетининг секретари Абдуллаев, район ипакчилик бўлимининг мудир Номмлов ўртоқлар). Бу район пилла топшириш планини 100,2 процент бажарди. Қўшимча равишда 10 тонна пилла топшириш мажбурияти олинди.

Сирдарё райони (район партия комитетининг секретари Наримов, район ижроия комитетининг раиси Абдушакидов, район комсомол комитетининг секретари Ганиев, район ипакчилик бўлимининг мудир Далажонов ўртоқлар). Бу район пилла топшириш планини 103,8 процент бажарди. Қўшимча равишда бир тонна пилла топшириш мажбурияти олинди.

Бекобод районидаги 2-«Давларзин» совхоз (директори Н. Бойматов, партия ташкилотининг секретари Раҳимов, район комсомол комитетининг секретари Ганиев, район ипакчилик бўлимининг мудир Далажонов ўртоқлар). Бу совхоз пилла топшириш планини 103,2 процент бажарди.

Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхоз (район Тешабоев, партия ташкилотининг секретари Нисомов, комсомол ташкилотининг секретари Мусаев ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 102,8 процент бажарди. Қўшимча равишда 800 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номи колхоз (район Ирибсоев, партия ташкилотининг секретари Раҳов ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 102,8 процент бажарди. Қўшимча равишда 1500 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.



Аҳдимнинг устидан чиқдим

Мен бу йил пилла қурт боқишга жазм қилдим. Колхоз правлениеси меннинг иттимосимни қондирди. Бир қуту қурт уруғидан 100 килограммдан ошириб пилла ҳосили етиштирдим, деб кўпчиликни ишонтирдим. Баъзилар бунга ишонмайдилар. Негаки, ҳали тажрибасиз, қурт боқишнинг айлаларимиз, деб қарашди. Мен ана шуларни ҳисобга олиб, ишчи илгорлар тажрибаси асосида бошладим. Қуртларнинг қайси ёнида қанча барг солиш кераклигини кўп билан ўргандим, агликни қондирган амак қилдим. Қуртларни ўз вақтида тўйдириб боққанлигим натижасида улар тез ўса бошладилар ва роса 18 кун дегадла биринчи мевасини кўрсатди.

Мен етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай, йиғиб олишга ҳам алоҳида эътибор бердим. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Ўз аҳдимнинг устидан чиқдим. Ваъда қилинган 100 ўринга давлатга 110 килограмм пилла топширдим. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилотини меннинг бу хизматимни муносиб тақдирлади.

Э. ҚУЛМАТОВ.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номи колхоз аъзоси, коммунист.

Хирмонимиз баракали бўлди

Колхозимиз пиллачилари бу йил аввал баҳорда 120 қуту қурт уруғи боқишга қарор қилдилар. Лекин ана шунча миқдордаги қуртга ўз вақтида тўйдириб боқиш ва ундан мўл ҳосил олиш ҳосилини олиш ҳақида гап амак эди.

Пиллачиларимиз дуч келадиган қийинчиликлардан чўчимадилар. Эгаларига топширилган вазифани сadoқат билан бажариш учун астойдил меҳнат қила бошладилар.


Дастлабки қуларда бинога ажратиб берилган куч етарли бўлиб турди. Қуртлар авжи иштаҳага кирган кезларда аса бироз шовишқиб қолдик. Ана шунда ушқоқларга ташкил қилинган комсомоллар пости пиллачиларимизга кечасилик учун запас тут барглари етказиб бериб турдилар.

Жадал усул билан қуртлар тўйдириб боқилганлиги туфайли қисқа муддат ичида дастага кирди. Э. Аноркулова, О. Ҳаққулова, М. Ҳасанова, М. Эшпўлатова каби моҳир қурт боқувчилар ҳар қутидан 80 — 90 килограммдан пилла ҳосил топшириб, йиллик планларини 160 — 180 процентга етказиб бажардилар.


Пиллачиларимизнинг ҳалол меҳнатлари зойи кетмади. Давлатга 6280 килограмм пилла ҳосили топширилиб, зиммага олинган мажбурият ҳам олтиги билан бажарилди. Ўз муваффақиятларидан руҳланган колхозимиз пиллачилари қолган ҳосилнинг сўнгги граммгача териб олиб, давлатга топшириш ва йиллик планни 200 процент бажариш учун, астойдил курашмоқдалар.

М. КОДИРОВ.

Мирзачўл районидаги Ленин номи колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи.



Областимизнинг илгор пиллачилари. Суратларда: (юқоридан ластга) Оржоникидзе районидаги «Қизил Забекстон» колхозининг аъзоси Ҳанифа Зиетова, Калинин районидаги Сталин номи колхозининг пиллачилик звеноси бошлиғи Ҳанифа Зиетова, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номи колхоз аъзоси Х. Илдошева, Оржоникидзе районидаги «Қизил Забекстон» колхозининг аъзоси Зухра Маткуболова ўртоқлар. В. Салов ва М. Шевелев фотолари.



СОВЕТ ИТТИФОКИ БУЙЛАБ...

Напр. Б-1606.